

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**540** Алкоголли маҳсулотлар учун энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархларни қайта кўриб чиқиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил  
16 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2301*

*(2012 йил 1 январдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 23 декабрдаги 327-сон «Алкоголли маҳсулотлар учун энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархларни жорий этиш тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 52-сон, 569-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қиладилар:**

1. Алкоголли маҳсулотлар учун энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархлар қайта кўриб чиқилиб, улар иловага мувофиқ миқдорларда белгилансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2010 йил 6 декабрдаги 103, 2010-49-сон «Алкоголли маҳсулотлар учун энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархларни қайта кўриб чиқиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2163, 2010 йил 13 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 50-сон, 476-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й.*

3. Мазкур қарор 2012 йил 1 январдан кучга киради.

**Молия вазири**

**Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2011 йил 12 декабрь,  
81-сон

**Давлат солиқ  
қўмитаси раиси**

**Б. ПАРПИЕВ**

Тошкент ш.,  
2011 йил 12 декабрь,  
2011-39-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Молия вазирлиги ва Давлат солиқ  
қўмитасининг 2011 йил 12 декабрдаги  
81, 2011-39-сон қарорига  
ИЛОВА

**Алкоголли маҳсулотлар\* учун энг кам  
улгуржи-сотиш ва чакана  
НАРХЛАР**

Сотилаётган товарнинг номи	Ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг энг кам улгуржи-сотиш нархи	Энг кам чакана нарх
Вино, 1 литр тайёр маҳсулот учун сўм ҳисобида	2200	2700
Коньяк, ароқ ва бошқа алкоголли маҳсулотлар, 1 литр тайёр маҳсулот учун сўм ҳисобида	5000	6100

\* Пиводан ташқари.